

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 793-ҳадис

793 – وَعَنْ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْبَسُوا الْبَيَاضَ؛ فَإِنَّهَا أَطْهَرُ وَأَطْيَبُ، وَكَفَيْتُهَا فِيهَا مَوْتَاكُمْ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ، وَالْحَاكِمُ وَقَالَ: حَدِيثٌ صَحِيحٌ [س 4/34، ك 1/354].

793. Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Оқ (либос) кийинглар. Чунки у пок ва хушҳолроқдир. Маййитларингизни у билан кафанланглар», деб айтдилар.

Имом Насаий ва Ҳоким ривояти. Ҳоким уни саҳиҳ ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Абу Довуднинг ривоятида:

«Кафанда ортиқчаликка йўл қўйманглар. Чунки у тезда суғириб олинади», дейилган.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Муслмонлар учун оқ рангли кийим афзал экани.
2. Муслмонларнинг кафани ҳам оқ рангли бўлиши.
3. Кафанга ортиқча сарф қилиш дуруст эмаслиги.

Бу баҳоси қиммат нарсани олишга ёки керагидан ортиқча кўп мато ишлатишга ҳам тегишлидир.

«Чунки у тезда суғириб олинади», яъни, чириб кетади. Бунда мол зое кетади. Исломда молни зое қилиш ҳаром.

Оиша онамиздан ривоят қилинишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху

Ўлим тўшагида ётганларида устларидаги кийимларига қарабдилар. Унда бир неча сариқ доғлар бор экан. Кейин:

«Ушбу кийимни ювиб, яна икки кийим зиёда қилиб, мени кафанланглар», дедилар. Мен:

«Бу эски-ку?» дедим.

«Янгига тирик одам ҳақлироқ», деди», дейилган.

Ҳа, ўлган кишининг тирикларда ҳаққи бор, ҳурмати бор, лекин ҳаммаси шариат кўрсатган чегарада бўлиши керак. Кези келганда яна шу масалага тегишли айтиб қўйиш лозим бўлган бир гап бор.

Майитнинг дафнига лозим бўлган ҳамма сарф-ҳаражатлар унинг ўз молидан бўлади. Агар ўзининг моли бўлмаса, унинг нафақасини қилиши керак бўлган одамнинг молидан бўлади. У ҳам бўлмаса, байтул молдан бўлади. У ҳам бўлмаганда эса, ўзига тўқ мусулмонларнинг маошидан бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

